УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. № 90295

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси | *1931 йилдан чиқа бошлаган* | **1995 йил 8 февраль, чоршанба** | Баҳоси сотувда эркин нархда. 6 (6652)

Муҳаррир сўзи

АМИР ТЕМУР ВА ЁШ АВЛОД

Бой ва олис тарихимиз бугун биз учун ўзлигимизни англаш йўлида хизмат қилмоқда. Истиқлол шарофати боис Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек каби ёркин сиймоларнинг жумҳуриятимизда кенг нишонланган таваллуд тўйлари маънавий ҳаётимизга айрича жозиба бахш этди. Донишмандлар айтганларидек, "Ватан тарихи абадият мактабида доно муаллимдир". Ватан тарихи эса — халқ тарихи, улкан сиймолар тарихи. У фақат ибрат мактаби бўлиб қолмай, қандай яшаш кераклигини ҳам ўргатади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрдаги "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори халқнинг тариҳий хотирасини тиклашга қаратилган муҳим тадбирлардан биридир.

Ёдингизда бўлса, Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ўтган йил июль ойида бўлиб ўтган йиғилишида сўзга чиқиб, маданият ва маърифат, илм аҳли олдига "Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак", дея вазифа қўйган эди. Эътибор беринг, гап бу ерда фақат фахрланиш ҳақидагина эмас, балки келажакка ишонч туйғуси ҳақида, яъни ўтмиш меросимизнинг муносиб ворислари бўлиб камол топиш ҳақида кетяпти. Бу эса барча маданият ва маърифат аҳли, хусусан педагогларимиз зиммасига жиддий масъулият юклайди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ва юқорида баён қилинган вазифалардан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларига мўлжалланган тадбирлар мажмуини белгилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон тарихида муҳим ўрин тутган Амир Темур шахси ва сиёсий фаолиятига Чор Россияси даврида ҳам, шўролар замонида ҳам маълум мафкуравий манфаатларга кўра бирёқлама муносабат кўрсатиб келинди. Ҳолбуки, умуман жаҳонда, хусусан, Ғарбий Европада Амир Темур фаолиятига илгаридан холис қараш мавжуд эди. Ана шу қарашларга кўра соҳибқирон Амир Темур Ўрта Осиёни мустақил ва кучли давлатга бирлаштирди, ҳар томонлама ривожлантирди, илм-фан камоли, ободончилик, савдо-сотиқ, меъморчилик ва ҳунармандчиликка кенг йўл очди. У иқтисодий бақувват давлат тизимини барпо этди, мамлакатни бошқариш учун қонунлар яратди. Халқ турмушидан, фуқаролар аҳволидан доимо огоҳ бўлди. Ўз даврининг йирик мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий алоқалар ўрнатди. Яна бир эътиборга молик воқеа — Темур ҳукмронлик қилган даврдан эътиборан туркий адабий тил тараққий эта борди.

Бинобарин, вазирлик барча халқ таълими муассасалари зиммасига бир ой муддат ичида Амир Темурнинг жаҳон тарихида, айниқса, Марказий Осиё халқлари тақдирида тутган ўрнини холис ва ҳаққоний ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш буйича дастурлар ишлаб чиқиш вазифасини юклади.

"Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни" мавзуида ўтказиладиган илмий-амалий анжуман бу борадаги фикрлар ва хулосаларни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Амир Темур даврида илм-фан, маданият, хусусан, меъморчилик санъати мисли кўрилмаган даражада юксалди. Шаҳрисабзда Оқсарой, Самарқандда Кўксарой, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда мақбараси каби ноёб меъморчилик ёдгорликлари бунёд этилди. "Темурийлар даври маданияти ва санъати" мавзуида уюштириладиган махсус сайёҳлик сафарларида муаллимлар ва ўқувчилар тарихий обидаларни ўз кўзлари билан кўрадилар. Шу мавзуда юқори синф ўқувчилари ва талабалар ўртасида танловлар ўтказилади. Барча ўқув муассасаларида кечалар, давра суҳбатлари, тарихшунос олимлар, шоир ва адиблар билан учрашувлар, радио-телевидение, матбуотда чиқишлар уюштирилади, китоблар кўргазмалари ташкил этилади.

Улуғ саркарда таваллуд топган кунда ва тантаналар жараёнида Амир Темур ҳайкали пойида ўқувчилар навбатчилигининг йўлга қўйилиши ёшларни ота-боболаримиз хотираларига эҳтиром руҳида тарбиялашга самарали таъсир кўрсатиши, шубҳасиз. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб тайёрланадиган услубий қўлланма эса ўқитувчилар учун дастуриламал вазифасини ўтайди.

Кўриниб турибдики, тадбирлардан кўзда тутилган мақсад-педагогларимиз эътиборини, биринчи галда, улуғ бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланиши маънавий ҳаётимизда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга молик воқеа эканлигига қаратиш. Шу муносабати билан тадбирларда қамраб олинмаган, аммо тариҳчи муаллимларимиз ва ўқувчиларимиз учун муҳим бўлган баъзи мулоҳазаларни баён қилмоқчиман.

Амир Темур ҳақида тўлиқ тасаввурни фақат у яшаб ўтган ва темурийлар даврида битилган, кейин ёзилган бўлса-да, холис муносабат билдирилган асарлардан олиш мумкин. Булар соҳибқироннинг ўзи айтиб ёздирган "Темур тузуклари", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", ибн Арабшоҳнинг "Темур тарихи", Иброҳим Мўминовнинг "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли" каби асарларидир. Мазкур китоблар мактаб ихтиёридаги дарс соатларида атрофлича ўрганилиши, синфдан ташқари ўқиш учун шарт қилиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Аслини олганда, мактаб ўқувчилари учун чиқарилган тарих дарсликларида Темур ва темурийлар давлатига лозим бўлганидан кам жой ажратилган. Амир Темурнинг Ўрта Осиёда, умуман жаҳон тарихида тутган ўрни — Ғарбий Европа, Россия, шунингдек, Миср ва Византияга кўрсатган халоскорлик хизмати, давлат, мамлакат, фуқароларни ўйлаб қилган саъй-ҳаракатлари ҳам изчил ёритишни тақозо этади. Дарсликда эса Амир Темурнинг "қаттиққўллик ва шафқатсизлик" билан уруш олиб борганлиги, бир қанча шаҳарларни тамомила вайрон қилганлигига, — булар тарихий ҳақиқат булса-да, — алоҳида урғу бериш сезилади, асл сабаблари кўрсатилмайди. Ҳолбуки, биз академик В. Бартольд "Темур гўё Самарқанддан бошқа ҳамма ерда вайронгарчилик билан шуғулланган, деган фикр муболағали", — дея ёзганлигини яхши биламиз. Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари хусусида "Зафарнома"да ҳам кўплаб далиллар келтирилган.

Бундан ташқари, истилочилик урушларида Амир Темур ўз тузукларида ёзганидек, "Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар адолат ўрнатиб, фисқ-фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга ҳужум бошлаши лозим", ёки "қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим", деган фикрга амал қилганлигини назардан соқит қилиб бўлмайди. Шу билан бирга улуғ бобокалонимизни ўзи тарихан муносиб бўлган юксак даражадан ортиқча улуғлаш, тарихий нуқтаи назар тамойилларидан чекиниб баҳолаш ҳам номатлуб.

Энг муҳими, соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти миллий давлатчилик бошқарувини такомиллаштириш, ривожланган мамлакатлар силсиласида мустақил Ўзбекистонни бор бўй-басти билан намоён этишда биз учун ибрат ва сабоқ мактабидир.

"Йил тарбиячиси" кўрик-танлови

БОЛАЛИККА ОШНО ЮРАКЛАР

Тарбиячилик касби масъулиятли ва шарафлидир. Унинг қалбида ўз фарзандигагина эмас, балки ўзгаларнинг боласига ҳам муҳаббат жо бўлиши зарур.

Республика Оперетта театрида шу касбнинг этагини тутиб, ўзганинг болаларини ўз фарзандидек тарбиялаётган боғча опалар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда Чилонзор туманининг энг сара, энг дилбар беш нафар тарбиячилари ўзаро беллашдилар. Улар танлов шартига кўра берилган топшириқларни тез ва соз уддалашди. Иштирокчилар орасида 212-боғча тарбиячиси Гўзал Ҳамдамова алоҳида ажралиб турди.

Қолган тўрт шарт бўйича ҳам у ўзининг билимдонлиги ва зукколигини намойиш этиб, туман "Йил тарбиячиси" кўрик-танловининг ғолиби бўлди.

Иккинчи, учинчи ўринларга 291-боғча тарбиячиси Мунира Лутфуллаева ва 265-боғча тарбиячиси Зарифа Мўминовалар муносиб деб топилди.

Танлов якунида тарбиячи қизлар меҳнати муносиб тақдирланди. Уларга пул мукофоти ва эсдалик совғалари топширилди.

***

Бундан ташқари пойтахтимиздаги Собир Раҳимов туманида ҳам "Йил тарбиячиси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 6 нафар тарбиячи иштирок этди.

Пировард натижада 145-боғча тарбиячиси Гўзал Усмонова биринчи, 432-боғча тарбиячиси Гулнора Салимова иккинчи ва 194-боғча тарбиячиси Марҳабо Усмонова учинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Ғолибаларга эсдалик совғалари топширилди.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

БАРЧАНИ МАМНУН ЭТДИ

Ҳамза театрида Шайхонтоҳур тумани болалар боғчалари тарбиячиларининг "Тарбиячи-95" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда тумандаги энг яхши боғчаларнинг олти нафар тарбиячиси қатнашиб, бешта шарт бўйича ўзларининг маҳоратларини намойиш этдилар. Кўплаб ташкилотлар тарбиячиларни рағбатлантириш мақсадида ҳомийликни ўз зиммаларига олишди. Жумладан, "Болалар дунёси", "Динамо" дўкони раҳбарияти бу ишларда жонбозлик кўрсатди.

Тарбиячиларнинг дилбар қўшиқ ва рақслари, кўрик-танловга тайёрлаб келган ранг-баранг чиқишлари, зукко жавоблари залдагиларни эътиборсиз қолдирмади.

Биринчи ўрин 567-боғча тарбиячиси Нодирахон Зияевага, иккинчи ўрин 140-боғча тарбиячиси Шоҳиста Маҳмудовага, учинчи ўрин эса 229-боғча тарбиячиси Олтиной Набиевага насиб этди.

Т. ИМОМХЎЖАЕВ, "Маданий меросга ихлос" жамиятининг ранси.

Суратларда: Чилонзор тумани тарбиячилари кўрик-танловидан лавҳалар.

Ҳ. Солиҳов олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Г. А. ПУГАЧЕНКОВАНИ "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик фидокорона меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими, академик Галина Анатольевна Пугаченкова "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА САВДОНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1994 йил 14 декабрдаги 604-сон қарори билан товарларнинг, шу жумладан озиқ-овқат товарларининг нархлари эркинлаштирилишини тугаллаш ва 1995 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ эркинлаштиришни таъминлаш назарда тутилган эди.

Шу билан бирга аҳолини энг зарур товарлар билан таъминлашда узилишларга йўл қўймаслик ва савдо ходимлари томонидан суиистеъмол қилишларнинг олдини олиш мақсадида кундалик эҳтиёж товарларининг савдода эркин нархлар бўйича мавжуд бўлиши ва сотилиши учун шахсий жавобгарлик вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг биринчи раҳбарлари ва Бош вазирнинг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юкланган эди.

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, мазкур қарор бажарилишини таъминлаш, аҳоли таъминотида қатъий тартиб ўрнатиш, қишга зарур озиқ-овқат заҳиралари тўплаш ўрнига вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг айрим раҳбарлари савдо корхоналарининг раҳбарлари билан биргаликда товарларни белгилаб қўйилган шаклларда сотишга қайтишга қаратилган қарорлар қабул қилмоқдалар ва бу билан жойларда аҳолига хизмат кўрсатишнинг бозор шаклларига ўтишни тушунмасликларини, баъзан эса хоҳламасликларини яна бир бор кўрсатмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари манфаатдор ташкилотлар иштирокида жойларда зарур текширишлар ўтказсинлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1994 йил 14 декабрдаги 604-сон қарори сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

2. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари кўрсатиб ўтилган қарорнинг товарлар нархлари тўлиқ эркинлаштирилишини таъминлаш юзасидан сўзсиз бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилсинлар, айбдорлар эса жавобгарликка тортилиб, эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилиши назарда тутилсин.

3. Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг ўринбосари М. Усмонов савдода бозор нормаларига риоя қилиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича зарур чораларни кўрсинлар ҳамда қабул қилинган қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг бажарилиши учун жавобгарликни оширсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 2 февраль

ТОШКЕНТ МАКТАБИДА — УКРАИНА КОМПЬЮТЕРЛАРИ

Тошкентдаги 110-мактабда хусусий электрон-ҳисоблаш машиналарининг янги туркуми билан жиҳозланган компьютер синфхонаси пайдо бўлди. Киевдаги "Электронмаш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари бу мактаб ўқувчиларига қиймати деярли 9 минг АҚШ долларига тенг келадиган совға юбордилар.

Бу тадбир Украина мутахассислари билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўртасида ҳамкорликни бошлаб берди. Биргаликдаги фаолият тўғрисида муддаолар протоколи имзоланди. Унда Ўзбекистон томонидан Халқ таълими вазирлигининг "Илм" ўқув-ишлаб чиқариш концерни ва "Ўзбекўқувавтоматика" республика ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси иштирок этади. Режаларда яқин вақт ичида қўшма корхона барпо этиш кўзда тутилган. Бу корхона республикамиз мактаблари учун замонавий ўқув-ҳисоблаш комплексларини етказиб бериш, йиғиш ва созлаш билан шуғулланади . Киевлик мутахассислар ходимларни ўқитишни, шунингдек компьютер дастурлари билан таъминлашни зиммаларига оладилар.

110-мактабда компьютер синфхонасининг очилиши Киевдаги "Электронмаш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари билан ўзига хос равишдаги таништириш маросимига айланди. Бу маҳсулотлар билан танишиш учун республиканинг кўпгина вилоятларидан халқ таълими органларининг вакиллари таклиф этилди. Хусусий ЭҲМ билан жиҳозланган янги синфхонани очиш маросимида Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Украинанинг республикамиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. Сметанин, шунингдек "Электронмаш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари А. Ярмош бошчилигидаги Украина микроЭҲМ конструкторлари ва созловчилари гуруҳи иштирок этди.

(ЎзА).

БИРЛАШТИРУВЧИ ҚУРУЛТОЙ

Бозор муносабатлари шароити касаба уюшмаларидан ўз сафларини бирлаштиришни, куч ва маблағларни жамлашни талаб қилмоқда. Яқинда Ўзбекистон Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси билан Фанлар академияси муассасалари ходимлари касаба уюшмасининг бирлаштирувчи қурултойи бўлиб ўтди. Тармоқ меҳнаткашларининг бу энг оммавий жамоат ташкилотини бундан буен Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси деб юритишга қарор қилинди. Унинг Марказий Қўмитаси сайланди. Муқобиллик асосида **И.Х.Абдуганиев** унинг раиси вазифасига сайланди.

Ж.САЪДУЛЛАЕВ.

Фармон ва ижро

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз иқтидорли ўқувчи-ёшлари учун Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек номидаги давлат стипендияларини таъсис этиш ҳақидаги фармони эълон қилинганига икки йил тўлди.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи Садриддин ҒУЛОМИДДИНОВдан ана шу ўтган даврда иқтидорли талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида қилинган ишлар ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Мақсад иқтидорли ёшлар сафини кенгайтириш, уларнинг билимини замон талаблари даражасига етказиш. Иқтидор эгаларига давлат стипендиялари бир йил мобайнида берилади. Президент стипендиясига номзодлар эса олий ўқув юртлари илмий кенгашлари томонидан тавсия этилади. Улар вазирликда тузилган комиссияга Ўзбекистон тарихи, информатика, чет тили фанларидан имтиҳон топширадилар.

1994-95 ўқув йилида ҳам Президент стипедиясига номзодлар аниқланди. Олий ўқув юртларининг олти нафар талабаси — Сарвар Отамуротов, Азизбек Холлиев, Алишер Мақсумов, Одилбек Зоидов, Ирода Ҳожимуҳамедова ва Гули Жўраева мазкур стипендия соҳиблари бўлди. Президент стипедияси совриндорларига ҳукуматимиз бир қатор имтиёзлар яратиб берди. Жумладан, улар олий ўқув юртини тугатганларидан сўнг икки йил мобайнида ўз мутахассислиги бўйича аспирантурага ўқишга имтиҳонсиз кириш ҳамда хорижга юборилаётган ёшлар гуруҳлари сафидан ўрин олиш ҳуқуқига эга.

Шу ўқув йилида турли олий ўқув юртларида таҳсил олиш билан бирга жамоат, илмий-тадқиқот ишларида фаол қатнашаётган 96 нафар ёш эса Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек давлат стипендияларига муносиб деб топилди. Улар бошқалардан икки баробар зиёд стипендия оладилар. Бундан ташқари, олий ўқув юртларида атоқли фан ва маданият арбоблари шарафига белгиланган махсус стипендиялар ҳам жорий этилди. Ҳозир республикамизда минглаб ана шундай стипендия соҳиблари бор.

(ЎзА).

"Маърифат"га жавоб берадилар

"ВАЪДАГА ВАФО ЖОИЗ"

Газетамизнинг 1994 йил 7 сентябрь сонида шу номда танқидий мақола эълон қилинганди. Унда Нарпай туманининг "Пахтакор овози" газетасида мухбир Н. Шоввозованинг шу тумандаги 43-мактаб ҳамда унда ишлаётган айрим ўқитувчиларнинг фаолиятини ёритишга нохолис ёндашганлиги, натижада жамоада нохуш кайфият юзага келганлиги баён қилинган эди.

Мақола юзасидан Нарпай туман ҳокими ўринбосари Ш. Самадов имзоси билан қуйидагича жавоб олдик:

"Газетангизнинг 1994 йил 7 сентябрь сонида эълон қилинган "Ваъдага вафо жоиз" мақоласида келтирилган фикрлар тўғри ва асосли эканлигини эътироф этамиз. Ушбу мақола туман ҳокимияти халқ таълими бўлими кенгашида туман рўзномаси муҳаррири Т. Тошмуродов ва мухбир Н. Шоввозовалар иштирокида муҳокама этилиб, кўпгина фактларнинг нотўғри талқин этилганлиги муҳарририят томонидан тан олинди. Туман ҳокимияти мажлисида мухбир Шоввозовага хайфсан эълон қилинди. Кенгашда маорифчилар билан газета ижодий ходимлари ўртасида ижобий ва самарали ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Муҳарририятга ушбу масалага жиддий аҳамият беришга туман ҳокимиятининг эътиборини қаратганлиги учун миннатдорчилик билдирамиз".

ДИҚҚАТ! ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, КИМЁ ФАНЛАРИДАН СИРТҚИ ТЕЛЕВИЗИОН ОЛИМПИАДА БОШЛАНДИ

Республика ёшларини физика, математика ва кимё фанларига қизиқишларини орттириш, иқтидорли ёшларни излаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ҳамда Фанлар академияси ҳамкорликда физика, математика, кимё фанларидан сиртқи телевизион олимпиада ўтказишга қарор қилди. Олимпиада уч босқичда ўтказилади.

Иккинчи босқичда биринчи босқичдан ўтган ўқувчилар қатнашадилар. Учинчи босқичда иккинчи босқич ғолиблари қатнашадилар. Бу босқич бевосита телевидениеда ўтади ва бунда иштирокчиларга тест-синов саволлари ҳамда ҳар бир фандан ўзига хос амалий топшириқлар берилади. Ғолиблар ҳар бир фандан ва синфдан қуйидагича аниқланади:

I ўрин — I тадан ғолиб,

II ўрин — I тадан ғолиб,

III ўрин — I тадан ғолиб.

Олимпиаданинг III босқичида I ўринни олган 11-синф ўқувчиси математика ва табиий фанлар блоклари бўйича тест топшириқлари асосида қабул қилинадиган олий ўқув юртларига тест синовларсиз қабул қилинадилар. Бунда биринчи ўринни олган 8,9 ва 10-синф ўқувчилари физика, математика ва кимё фанлари бўйича навбатдаги Республика олимпиадасида ва сиртқи телевизион олимпиаданинг III босқичида конкурссиз иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар ҳамда ёш физик-математикларнинг ёзги мактабига таклиф қилинадилар, ҳомийлар ва ҳакамлар ҳайъати томонидан белгиланган эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Олимпиаданинг I, II босқич топшириқлари телевидениеда ва матбуотда эълон қилинади. Уларнинг жавоблари, савол ва топшириқлар телевидениеда эълон қилинган кундан бошлаб 15 кун ичида қуйидаги манзилгоҳга юборилиши керак:

700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй Ўзбекистон телевидениеси "Фан ва маърифат таҳририяти", сиртқи телевизион олимпиада ташкилий қўмитаси.

Муҳлат хатга қўйилган почта тамғасига кўра аниқланади.

Қуйида 2-, 3-февраль кунлари телевидение орқали эълон қилинган 1-босқич топшириқларини келтирамиз.

ФИЗИКА

8-синф

1. Икки поезд бир-бирига томон 72 км/соат ва 54 км/соат тезлик билан ҳаракатланмоқда. Биринчи поезддаги пассажир иккинчи поезд унинг ёнидан 14 с давомида ўтганлигини аниқлади. Иккинчи поезднинг узунлиги қанча?

2. Массаси 1,6 кг юк осилган ип горизонтал йўналишда 12 Н куч таъсирида янги вазиятга келтирилди. Ипнинг таранглик кучини топинг.

3. Кўчар блок ёрдамида 735 Н юк 10 метр баландликка кўтарилди. Блокнинг фойдали иш коэффициенти 60%. Юкни кўтариш учун зарур бўлган кучни, фойдали ишни ҳамда бажарилган умумий ишни топинг.

4. Насос двигатели 25 кВт қувватга эришиб, 100 $м^3$ нефтни 6 м баландликка 8 минутда кўтаради, қурилманинг Ф. И. К. ни топинг. Нефтнинг зичлиги 800 кг/м деб олинсин.

5. L узунликдаги бир жинсли валнинг учидан 40 см кесиб ташланди. Бунда оғирлик маркази олдинги вазиятига нисбатан қанчага кўчади?

9-синф

1. Поезд қўзғалган вақтда кузатувчи поезд йўналишида ўзгармас 3,5 м/с тезлик билан чопиб кетди. Поезднинг ҳаракатини текис тезланувчан деб ҳисоблаб кузатилаётган кишининг кузатувчи билан тенглашган вақтдаги поезднинг тезлигини аниқланг.

2. Унча катта бўлмаган жисм сферанинг тепасидан пастга томон сирпаниб тушмоқда. Сфера тепасидан қандай **h** баландликда жисм унинг R радиусли сиртидан узилиб тушади? Ишқаланишни ҳисобга олманг.

3. Ичида суюқлик бўлган идиш аравача устида турибди. Аравача горизонтал йўналишда **a** тезланиш билан ҳаракатланмоқда. Суюқлик сатҳининг вазиятини аниқланг.

4. Электр чойнакнинг қиздиргич қисмига узунлиги L м бўлган сим ўралган бўлиб, ток манбаига уланганда ундаги сув 15 минутда қайнайди. Қиздиргич бошланғич узунлигининг қанча қисмига ўзгартириш киритилганда электр чойнакдаги сув 10 минутда қайнайди? Иссиқликни атрофга исроф бўлишини ҳисобга олманг.

5. Массаси **m**, бикрлиги **k** бўлган резина ип бир учидан осиб қўйилган. Ипнинг умумий чўзилишини топинг.

10-синф

1. Фонтаннинг марказий трубасидан вертикаль йўналишда отилаётган сувнинг баландлиги 10 м бўлса. Сув қандай босим остида отилаётганини ҳисобланг. Ишқаланиш кучи ҳисобга олинмасин.

2. Ҳажми 0,002 $м^3$ бўлган шиша балондаги босимни 100 марта камайтириш учун поршенни неча марта уриш керак бўлади. Насос камерасини ҳажми 100 $см^3$. Балондан газни чиқаришда температуранинг ўзгариши ҳисобга олинмасин.

3. Чўзилмайдиган ип билан бойланган ромбнинг учидаги q_1, q_2, q_3, q_4 зарядлар билан мувозанатда турибди. Унинг q_1 заряд жойлашган учидаги бурчаги топилсин.

4. Икки массалари m_1 ва m_2 бўлган юлдузлар орасидаги масофа **L** га тенг. Бу юлдузларнинг умумий масса маркази атрофида айлана бўйлаб айланиш даври T ни топинг.

5. Қўзғалмас нуқтавий + 10^{-9} Кл зарядниг атрофида, тортишиш кучи таъсири остида манфий зарядланган кичик шарча текис айланмоқда. Агар орбита радиуси 2 см, айланиш бурчак тезлиги 3 рад/с бўлса, шарча зарядниг шу шарча массасига нисбати нимага тенг?

11-синф

1. Газ билан тўлдирилган массаси **m**, баландлиги h ва асосининг юзаси **S** бўлган юпқа деворли цилиндр сувда сузади (1-расм). Цилиндрнинг пастки қисми герметиклигини йўқотгач, унинг сувга ботиш чуқурлиги кўпайди. Температура ўзгармас атмосфера босими **Po** бўлса, цилиндрдаги газнинг дастлабки босими **P** аниқлансин.

2. Магнит тасма ёзуви тингланаётганда, унинг радиуси дастлабки радиусининг ярмига t = 20 минутдан сўнг эришганлиги кўринди. Шундан сўнг қандай t вақтдан сўнг уни радиуси яна икки марта камаяди?

3. Вертикаль йўналишда бир жинсли доимий магнит майдони индукцияси **B** ҳосил қилинди. **L** узунликдаги ипга осилган массаси m бўлган q зарядли шар айлана бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Вертикаль ўқ билан ип орасидаги бурчак **d** бўлса шар ҳаракатининг бурчак тезлиги топилсин.

4. ЭЮК E = 6 В, ички қаршилик r = 2/3 Ом ва R = 2 Ом. Вольтметрнинг кўрсатишини ҳисоблаб топинг (2-расм).

5. Агар рельсларнинг узунлиги 12,5 м бўлса, поезднинг қандай тезлигида, вагон ичида осиб қўйилган ва узунлиги 11 см бўлган маятник резонанс тебранишга келади?

1-расм



2-расм

КИМЁ

9-синф

1. Концентрацияси 10 фоиз бўлган фторид кислотасининг диссоциланиш даражаси 0,09 бўлса, унинг 100 г миқдорида диссоциланган молекулалар сонини ҳисобланг.

2. 200 г сульфат ва нитрат кислоталари аралашмасига барий хлорид қўшилганда 46,6 г чўкма ажралади. Қолган эритмани нейтраллаш учун 30 фоизли натрий ишқор эритмасидан 55 г сарфланди. Кислоталарнинг масса улушларини аниқланг.

3. 60 г марганец (IV) оксидига хлорид кислота таъсир эттирилганда ажралиб чиққан газ қайноқ концентрланган натрий ишқор билан реакцияга киритилди. Натижада қандай моддалар ва қандай массада ҳосил бўлади?

4. Марганец қўш оксиди, бертоле тузи ва поташлар ўртасидаги оксидланиш-қайтарилиш реакциялари тенгламасини ёзинг ва коэффицентларини танланг.

10-синф

1. Таркиби C_5H_{10} бўлган углеводородларнинг ўзингизга маълум бўлган барча изомерларининг тузилиш формулаларини ёзинг ва уларни систематик (ИЮПАК) номенкулатурада номланг.

2. Қуйидаги ўзгаришларни амалга оширишга имкон берувчи реакциялар тенгламаларини ёзинг: 1-хлорбутан + КОН, сув А + конц. сульфат кислота, температура Б + хлорид кислота В + КОН, спирт Г А, Б, В ва Г моддаларнинг тузилиш формулаларини ва уларнинг систематик (ИЮПАК) номенкулатура бўйича номларини ёзинг.

3. Таркиби C_9H_{12} бўлган ароматик углеводородлар барча изомерларининг тузилиш формулаларини ва номларини ёзинг. Ушбу изомерлардан қайси бирини молекуляр кислород ёрдамида каталитик оксидлаб фенол олинади?

4. Номаълум алкенга озон таъсир эттириб озонид ҳосил қилинди. Озонидни сув билан реакцияга киритиб ацетон ва изо-мой альдегиди олинди. Номаълум алкеннинг тузилишини, систематик (ИЮПАК) ва рациональ номенкулатура бўйича номини ёзинг. Реакция тенгламаларини тузинг.

11-синф

1. Массаси 300 г бўлган 20 фоизли сульфат кислотасининг концентрацияси 60 фоизли ҳолга ўтиши учун бошланғич эритмада неча грамм олтингугурт (VI) оксидни эритиш керак?

2. 0,2 н 500 мл алюминий хлорид эритмасига мўл миқдорда натрий сульфид эритмаси қўшилганда нормаль шароитда ажралиб чиққан водород сульфидни ёндириш учун қанча ҳажм ҳаво керак бўлади?

3. 3,3,3-трифторпропен-1 молекуласида электрон зичликнинг тақсимланишини кўрсатинг. Шу моддага водород хлорид молекуласининг бирикиш реакцияси тенгламасини ёзинг.

4. Массаси 1,95 г бўлган модданинг ёнишидан ҳажми 3,36 л. (н. ш.) бўлган углерод (IV) оксид ва массаси 1,35г бўлган сув ҳосил бўлди. Модда буғининг водородга нисбатан зичлиги 39 га тенг. Модданинг формуласини аниқланг.

МАТЕМАТИКА

8-синф

1. Синфда 28 ўқувчи бўлиб, улар 14 та партада 2 тадан ўтиришади. Ҳар куни ўқитувчи уларни шундай қайтадан ўтқазадики, ҳар бир партада ўтирган икки ўқувчи ҳеч қачон бирга ўтирадиган бўлмасин. Энг кўпи билан ўқитувчи неча кун шу ишни давом эттириши мумкин?

2. Ярми бутун соннинг квадрати, учдан бири бутун соннинг куби ва бешдан бири бутун соннинг бешинчи даражаси бўлган энг кичик сонни топинг.

3. Агар P катта 5 ихтиёрий туб сон бўлса, у ҳолда P^2 — 25 сони 24 га бўлинишини исботланг.

4. Агар а + в = 2 бўлса, у ҳолда ав кичик ёки тенг 1 тенгсизлик ўринли эканлигини исботланг. а + в кичик ёки тенг 2 бўлганда тенгсизлик ўринли бўладими?

5. Тўғри бурчакли учбурчакка квадрат шундай ички чизилганки, квадратнинг икки томони катетларда ётади. Агар квадратнинг гипотенузада ётган учи гипотенузани 2 см ва 6 см ли бўлакларга ажратса, квадрат периметрини топинг.

9-синф

1. 3^{1995} сонини 11 га бўлгандаги қолдиқ топилсин.

2. $(x^2 + 3x-2)^2 - 5x^2 - 15x - 4 = 0$ тенгламани ечинг.

3. $x^2 - y^2 = 1994$ тенгламанинг бутун ечимларини топинг.

4. Тенгсизликни ечинг.

$(x-1)(x-3)^3(x-4)^4$ катта 0.

5. Трапеция катта асосидаги бурчаклар йиғиндиси 90^0. Асослар ўрталарини туташтирувчи кесма асослар айирмасининг ярмига тенг эканлигини кўрсатинг.

10-синф

1. $Xn = \frac{n}{100 + n2}$ кетма-кетликнинг энг катта ҳади топилсин.

2. Тўғри бурчакли учбурчакда A ва B катетлар, C-гипотенуза, h-гипотенузага туширилган баландлик бўлса, c + h катта a + b тенгсизликни исботланг.

3. X_1, X_2, X_3, X_4, X_5 манфий бўлмаган сонлар бўлиб $X_1 + X_2 + X_3 + X_4 + X_5 = 1$ бўлса,

$X_1X_2 + X_2X_3 + X_3X_4 + X_4X_5$ кичик ёки тенг $\frac{1}{4}$ тенгсизликни исботланг.

4. Квадрат учҳад $f(x) = ax^2 + bx + c$ ҳақиқий илдизларга эга эмас ва a + в + c кичик 0. C нинг ишорасини аниқланг.

5. Ихтиёрий учбурчакда энг катта томонига туширилган биссектриса энг кичик томонига туширилган баландликдан катта бўлмаслигини исботланг.

11-синф

1. Қабариқ бешбурчак ABCДE нинг AB ва СД, BC ва ЕД томонларининг ўрталари туташтирилган. Ҳосил бўлган кесмалар ўрталари H ва K лар ҳам туташтирилган. НК кесма AE га параллел эканлиги ва $\frac{1}{4}$ AE га тенглиги исботлансин.

2. $3^x + \log_2 x = 10$ тенгламанинг ечимлари топилсин.

3. Агар 0 кичик x кичик y кичик $\frac{П}{2}$ бўлса, $\frac{tgx}{x}$ кичик $\frac{tgy}{y}$ тенгсизлик исботлансин.

4. 1995^{1995} соннинг турли бўлувчилар сони топилсин.

5. Қабариқ кўпбурчакнинг бурчаклари қуйидаги прогрессияни ташкил этади. $d; \frac{3d}{2}; 2d; \ldots$

Шундай ҳоссага эга бўлган энг кўп томонли кўпбурчакнинг бурчакларини топинг.

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

МУХАММАС

Ато кўнглига доғ инмиш Ҳаво илгида дон кўргач,
Шу боисдинки, тифле қичқириб йиғлар жаҳон кўргач,
Нечук бим босмасун оҳуни сайёдда камон кўргач,
Кўнгуллар ноласи зулфинг камандин ногаҳон кўргач,
Эрур андоққи, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.

Бу ишқ дарди мени аҳли жунун ҳайлиға бош этти,
Бировни дарбадар айлаб, бировни сангтарош этти,
Бағирни жабри қон қилди, ғами чашмимни ёш этти,
Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,
Балиғ захмини фаҳм айлар эл дарёда қон кўргач.

Кетибдур ихтиёр қўлдин нечук собит ўтурайким,
Жунун саҳросида ишқ тевасин қайларга бурайким,
Муҳаббат жврини чектим ва лек ишқим ошурайким,
Кўзум қон ёш тўкар, нетиб кўнгул захмин яшурайким,
Топарлар ерда захмин сайд қонидин нишон кўргач.

Тилаб эрдим висол, аммо бўлубмен ҳамдами ҳажринг,
Қачон откай висол тонгги, қачон ўчкай шами ҳажринг,
Бўлубдур қанча дил пора етиб тийғи дами ҳажринг,
Бўёлғон қон аро жон пардаси еткач ғами ҳажринг,
Кўнгул боғида баргедурки, ол ўлмиш, хазон кўргач.

Баланд-паст йўлда эгнимда гаҳи хирқа, гаҳи тўрқа,
Бу оламнинг ғамн дарё ва лекин шодлиги жўра,
Юзунг зарҳал китобдурким: ҳолинг нуқта, қошинг руқъа,
Кўнгуллар нақдини торож этарга ёпмоғинг бурқаъ,
Анингдекдурки, юз боғлар қароқчи корвон кўргач.

Не каслар эл аро юргай ки мўмин, камсуқум токи
Қаю кун курсига минса сўкулгайдур димоғ чоки,
Қиёс этсанг баробардур амир бирлан гадо хоки,
Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас, эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.

Бу майдон ичра кирмакка магар сен айладинг тақрир,
Сиёҳ бирла битурсен шеър, сиёҳ ичра кечур тақдир,
Улуғлар баридин тутмоқ ва лек, Мирзо, нечоғ тавқир,
Навоий, ҳурдайи назмингни андоқ айладинг таҳрир,
Ки, сочқай ҳурда бошинг узра шоҳи ҳурдадон кўргач.

Мирза ҚАЙНАРОВ.
Шароф Рашидов тумани.

АЛИШЕР НАВОИЙ АДАБИЙ ТИЛИ ВА ТУРК-БАРЛОС ШЕВАЛАРИ

Алишер Навоий адабий тилининг қандай негиз асосида шаклланганлиги ҳамда шоирнинг ўз она тили — шеваси билан адабий тили ўртасидаги муносабат ҳақида олимлар орасида ҳанузгача зиддиятли фикрлар мавжуд.

Туркий тилларнинг йирик тадқиқотчиларидан В. В. Радлов, С. Е. Малов, А. К. Боровков, К.К. Юдахин ва бошқалар А. Навоий ва унинг даври адабий тилига араб, форс, маълум даражада Шарқий Туркистон, яъни уйғур тилининг таъсиридан ташқари, бир-биридан фарқ қиладиган ҳудудий диалектларнинг мавжудлигини алоҳида қайд этганлар.

А. Навоий даврида туркий тилда сўзлашувчи халқлар турли уруғ-қабилалар иттифоқидан иборат бўлиб, улар ўз шевалари (жонли тили)да сўзлашганлар.

Шуниси аёнки, қудратли темурийлар давлати ана шу этник гуруҳлар иттифоқи асосида шаклланган эди. Бу шевалар ҳам бир-бирига таъсир қилиб, давр адабий тилига ҳам турли унсурларни киритиб, бойитиб борган. Бунинг устига ўша даврда ҳали тўлиқ шаклланиб, ўз йўналишини топмаган тил гуруҳларининг аниқ номланмаганлиги А. Навоий адабий тилининг қайси негиз асосида шаклланганлиги ҳақидаги масалани чигаллаштириб юборар эди.

А. Навоий асарларини ўрганиб, уни чукур таҳлил этган У. Турсунов, Ф. А. Абдуллаев, О. Усмон, А. Рустамов, Э. Фозилов, Э. Умаров ва бошқа заҳматкаш тилшуносларимизнинг бу соҳадаги қарашлари ҳам бир хил эмас. Улар ўз ишларида А. Навоий асарлари тилини ҳозирги халқ шеваларига солиштирадилар, товушлар таркиби, тил бойлиги ва грамматик хусусиятларини асос қилиб оладилар, туркий тилда сўзлашувчи ҳар бир қабила-уруғ тилларининг унсурлари мавжудлиги, деган умумий хулоса чиқарадилар. Лекин А. Навоийнинг адабий тилига асос бўлган негиз — ўз она тили (шеваси) хусусида ҳеч нарса демайдилар. Масала шундаки, А. Навоий асарларида ўз она тилини туркча деб, баъзан чиғатой номи билан ҳам атайди: "Анинг авсофи турк ва ўзбак халойиқи орасида андин кўпрак ва машҳуррақдурки, шарҳга ихтиёжи бўлмагай" ("Насойим-ул муҳаббат").

Ў ўз асарларида "турк" атамасини икки маънода қўллайди. Кенг маънода, араб, форс ва бошқа тиллардан фарқ қилувчи туркий тилни ва алоҳида турк деган бир уруғнинг мавжудлигини назарда тутади. Турк ёки чиғатой тили деганда, барлос, арлод ва жалоир каби уруғларнинг жонли тили тушунилган. Маҳмуд Кошғарий ҳам турк атамасини ўзининг семантик маъносидан ташқари юқоридаги каби икки маънода қўллаган.

А. Навоийнинг замондоши, буюк давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзади: "Андижон... эли туркдур, шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳиротда нашъу намо топибтур, бу тил биладур". Бобур ҳам "турк" атамасини кенг маънода тушуниш билан бирга, "Андижон эли туркдур" деганда Навоийнинг турк деб аталувчи уруғдан эканлигини назарда тутган. Турк қавми бу даврга ҳам турк-барлос, турк-қалтатой аталувчи этник гуруҳлардан иборат эди. Шу ўринда профессор Ғози Олим Юнусовнинг қуйидаги фикрларини эслатиш жоиздир": "...VI аср милодида Ўрта Осиёда кучли турк давлати тузган туркларнинг қолдиқлари, санаш мумкин бўлган ва бу кунда Самарқанд, Қашқадарё, Андижон округларида ва Тожикистонда ярим кўчманчи ҳолда яшовчи туркlар (барлос, калтатой) ўзбек иттифоқида аъзодирлар".

Ғ. Олим тарихий ҳақиқатга суянган ҳолда катта территорияда тарқалган ўзбек шевалари бўлагини "Турк-барлос лаҳжаси" номи билан атаган.

Темурийлар хонадонидан Умаршайх Мирзо Фарғона вилоятини бошқариб, Андижон шаҳрини ўзининг қароргоҳи этгандан сўнг кўпгина барлослар шу вилоятда яшаганлар. Академик В. В. Бартольд тўғри таъкидлаганидек, "Ҳиротда туғилган Алишер Навоий келиб чиқиши жиҳатидан темурийларга, айниқса, Умаршайх авлодларига яқин туради, унинг имтиёзли барлос баҳодирларидан бўлган отаси ва бобосининг анча ер-сувлари ва бошқа мол-мулклари бўлган".

В. В. Бартольднинг ушбу сўзлари А. Навоийнинг ҳиротлик барлослардан эканлиги, табиийки, унинг она тилиси барлос шеваси эканлигини янада ойдинлаштиради.

Рус туркологларидан Н. И. Ильминский адабий тил билан маҳаллий шевалар ўртасидаги муносабатнинг мураккаб характерга эга эканлигини кўрсатиб, Навоий адабий тили Андижон шевасига ўхшайди, лекин бутунлай мос келмайди, дейди. Унинг фикрича, жонли халқ шевасида адабий тилдагидек чет тил элементларининг кўп бўлиши мумкин эмас. Биринчидан, А. Навоий яшаган давр билан Н. И. Ильминский яшаган давр Андижон шеваси ўртасида қанча фарқ бор? Иккинчидан, А. Навоий шеваси билан асарлари тилини ҳам тарозининг бир палласига қўйиш қийин. Негаки, у форстожик ва араб тилларини мукаммал билган, шоир сифатида ўз асарларида чет сўзлардан унумли ва айни меъёрида фойдаланган. Бунинг устига у давлат арбоби бўлиб, турли этник қатламлардан иборат халқ ичида ўша халқнинг тилида сўзлашган. "Халқ билан халқ тилида сўзлашиш керак", деган шиорга доимо амал қилган А. Навоий асарлари тилида туркий ва туркий бўлмаган сўзларнинг мавжудлиги табиийдир.

А. К. Боровков Алишер Навоий адабий тилини Андижон шеваси билан тўла мос, дейиш қийин, унинг устига Навоий Андижонда ҳеч бўлмаган, фақат андижонликлар билан суҳбатлашган, деган фикрни билдиради.

Бизнингча, А. Навоий, албатта, Андижонда бўлиши ёки андижонликлар билан суҳбатлашиши шарт эмас. Чунки, масофа узоқ-яқинлигидан қатъи назар, уларни бирлаштирувчи, яқинлаштирувчи тили-шева бирлиги мавжуд эди. Ҳар бир қабиланинг ўз сўзлашув тили бўлганидек, турк-барлосларнинг ҳам жонли тилида кўпгина ёзув ёдгорликлари битилган. Ҳатто туркмўғул луғати деб аталувчи "Муқаддимат-ул-адаб" XV асрда барлос ва жалойирларнинг жонли тилида кўчирилган эди.

Ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи ва бошқа туманларида яшовчи, ўзларини турк-барлослармиз, деб номловчи аҳоли билан Андижоннинг Хўжаобод, Марҳамат ёки Самарқанд вилоятининг Ургут, Иштихон туманларида, Ўш, Ўзган атрофларида яшовчи барлосларнинг жонли тили, товуш таркиби, грамматикаси ва сўз бойлигида масофа узоқлигидан қатъи назар, айтарли фарқ йўқ. Фақат маҳаллий шеваларнинг бир-бирларига таъсири туфайли озми-кўпми сингиш изларини кўриш мумкин.

Ўзбек тилшунослари У. Турсунов, Б. Ўринбоев ва марҳум Х. Дониёров ишларида А. Навоий адабий тилини маълум даражада сингармонизмнинг фақат лаб гармонияси сақланган (У, Ў) унлиларини фарқлайдиган шеваларга киритиш мумкин, бу шева вакиллари темурийлар даврида Фарғона водийси, Самарқанд ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмида яшаганлар, деганларида, барлос шевалари вакилларини назарда тутган.

Тилшунос Д. Абдураҳмонов ўзининг бир мақоласида А. Навоий олти унли фонемали носингармонистик шеванинг вакили эканлиги, унинг она тили бўлмиш ҳозирги барлос шеваларида ҳам олтита унли фонеманинг мавжудлигини таъкидлаб, характерли фонетик, лексик ва грамматик белгилардан 13 тасини санаб ўтади.

Биз бу белгиларни қайта такрорламасдан бошқа баъзи далилларни келтирмоқчимиз:

Шоҳу, тожу хилъатекким, мен томоша қилғали,
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас

каби мисралардаги "ўзбаким" (ўзбеким эмас — Б. Ҳ.) сўзини тарихчи олим Б. Аҳмедов таъкидлаганидек, А. Навоий кўпинча "ўзбек" шаклида қўллаган. Ҳозирги барлослар тилида ҳам ўзбак ўзвай тарзида қўлланади. Шу мисрадаги қалпоқ атамаси ўзбек тилининг бошқа шеваларида қандай шаклдаги бош кийими маъносида бўлишидан қатъи назар турк барлослар истиқомат қилаётган ҳудудларнинг деярли ҳаммасида адабий тилдаги дўппи маъносида қўллайдилар. Навоийда ҳам шу маънода бўлиши керак.

Навоийда: "Ложувардий вўсма бирла зеб берган қошларинг" ("Наводирушшабоб") мисрасидаги "вўсма" (ад. орф. ўсма) барлос шеваларида ҳам айнан шундай талаффуз қилинади.

А. Навоий даврида тўлиқ фонема бўлиб шаклланган ва Навоий асарлари тилида барқарор бўлган, ҳозирги адабий тилимиздаги орқа қатор лабланган, очиқ (о) унлиси бу кунда истиқомат қилаётган барлослар шевасида сақланиб, сўз таркибида бўғинлар аро кучли мавқега эгадир: тоғо (тоға), овол (аввал), томом (тамом), зомон (замон) кабилар. Шунингдек, вўрлоқ (ўрлоқ) (улоқ), иттиг (ўткир, нордон), умоч (овқат тури), кўмоч (чўг, қўрга кўмиб пиширилиадиган нон тури), буламиқ (ғилминди), жалак (хотин-қизларнинг бош ёпинғичи), оллида (олдида), отар (қидирмоқ) ва бошқа сўзлар ҳам барлослар нутқида истеъмолдадир.

Демак, А. Навоий адабий тилининг ўша даврда Андижон шевасига мос келиши маълум мантиққа асосланган бўлиб, унинг она тили турк-барлос уруғи шеваси негизида қуриланлиги юқорида келтирилган далиллар билан исботланади.

Бўрибой ҲАСАНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

БИР РУБОИЙ ТАҲЛИЛИ

"Сиёсат ўчоғида пайдо бўлган Европа шеърияти"дан фарқли ўлароқ, Шарқ шеъриятининг пойдевори фалсафа. Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг руҳий олами бу шеърият тубидаги ноёб гавҳарлардир.

Рубоий Шарқ шеъриятининг етакчи жанрларидан бири ҳисобланади. Шаклан ихчам бўлган бу жанр фалсафий фикрларнинг бадиий ифодаланишида муҳим роль ўйнаган.

Ҳазрат Навоий рубоийларида ҳам ўша Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг ички руҳияти, "комил инсон"нинг кўнгил ойнаси мужассамлашган.

Алишер Навоийнинг "Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин" мисраси билан бошланувчи рубоийси ҳам худди ана шу пойдевор асосига қурилган. Навоий шеъриятини таҳлил этишда унинг зоҳирий ва ботиний томонларини ҳисобга олиш зарур, шеърнинг ботиний моҳиятига асосий эътиборни қаратмоқ лозим. Юқоридаги рубоийнинг зоҳирий маънолари ўз-ўзидан кўриниб турибди; лекин рубоийнинг ботинида қандай маънолар ётади? Ана шу маъноларни англаб етганимиздагина Ҳазрат Навоийнинг асл муддаосига мушарраф бўламиз.

Рубоийга назар ташлайлик:

Сўздурки, нишон берур ўлукка
жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар
жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ
ондин.

Кўриниб турибдики, гап бу ерда **"сўз"** ҳақида бормоқда **(Натан Маллаев "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслигида таъкидланганидек, тил ҳақида эмас!).**

Зоҳиран "сўз" нима эканлигини яхши биламиз. Лекин Навоий назаридаги "сўз"чи? Навоий "сўз" деганда нимани назарда тутади? Ҳазрат "Ҳайратул Аброр" достонида шундай ёзадилар:

Жон ўлуб ул, руҳ анинг қолиби,
Ким танида руҳ - анинг толиби.

Яъни, сўз - руҳ қолипининг маҳсулидир. Сўз шарофати билан одам танасида руҳ пайдо бўлади. Шу ерда икки нарсага эътиборни қаратмоқ лозим; Руҳ ва Сўз. Тасаввуф фалсафаси бўйича Олам ягона руҳдан иборат. Бу руҳ — Оллоҳ. Сўз - руҳ қолипининг маҳсули, демакки, Оллоҳ вужудининг парчасидир. Сўз, яъни Оллоҳ вужудининг парчаси, Одам танасига кириб, унга жон ато қилади. Шунинг учун Ҳазрат Навоий:

Сўздурки, нишон берур ўлукка
жондин, - деб ёзадилар.

Рубоийнинг кейинги мисраси шундай жаранглайди:

Сўздурки, берур жонга хабар
жонондин...

Сўз - Оллоҳнинг Одамга юборган элчиси. Сўз танага кириб, унга жон ато қилади ва бу одам комил инсонга айланади. Демак, Сўз (яъни Оллоҳнинг элчиси) жонга (яъни инсонга) жононниг (яъни Оллоҳнинг) борлигини билдириб турувчи воситадир. Бинобарин, инсон қулоғида ҳамма вақт "жон он" ("жон - у"), яъни "танангдаги жон Оллоҳдир", деган овоз жаранглаб туради. Кейинги:

"Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин" мисраси юқоридаги фикрларни янада тўлдиради. Одам билан ҳайвоннинг фарқи нимада? Баъзилар тил-забонида, деб ўйлайди. Юқоридаги мисрадан шундай маънони келтириб чиқариш ҳам мумкин. Лекин Навоий бу ерда тил-забонни умуман назарда тутмаган. Шоир фалсафаси бошқачароқ. Ҳайвон билан Одамнинг фарқи йўқ. Сўз, яъни Оллоҳ вужудининг парчаси, унинг элчиси Одамга жон ато қилиб, унга Оллоҳни эслатади. Одам Инсонга айланади. Инсон - Оллоҳ билан фикрлашадиган, уни қалбан ҳис қиладиган комил мавжудот. Сўз - Оллоҳ вужудининг парчаси, Оллоҳнинг нури ва бу нур инсонни мунаввар айлади ҳамда ҳайвон билан инсон ўртасидаги тафовут мезони бўлиб қолди.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Сўз инсонийликнинг ўзига хос белгиси, ўзига хос мезонидир. Рубоийнинг охирги мисрасида таъкидлаб ўтилганидек:

Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Асқар ШОКИР.

МУМТОЗ ШЕЪРИЯТ СИНОАТИ

Аруз сабоқлари

Мумтоз адабиётимиз намуналарининг таҳлилу талқинида вазн томонидан, яъни аруз томонидан ёндашув муҳим ўрин тутади. Зеро, байт (уй) аруз (келинчак безаклари) бирла гўзалдир.

"Аруз фани шариф (муқаддас) фандур" дейди Алишер Навоий "Мезонул авзон" битигининг ибтидосида. Бас, шундай экан, арузни мукаммал билмай туриб, аждодларимизнинг муқаддас шеъриятидан баҳра олмоғимиз қийин.

Афсуски, кейинги йилларда мумтоз шеъриятимиз, хусусан, арузни ўрта мактабларда, олий ўқув юртларида ўрганишга бир ёқлама, юзаки ёндашилди. Бу эса талабаларни ўтмиш адабиётимизга нисбатан "кўрсавод" қилиб қўйди.

1978 йили профессор Анвар Ҳожиаҳмедовнинг "Мактабда аруз вазнини ўрганиш" қўлланмаси чоп этилди. Гарчи бу китоб баъзи жузъий камчиликлардан иборат бўлса ҳам, мактабда аруз вазни, мумтоз шеъриятни ўрганиш борасидаги улкан бир қадам бўлган эди. Аммо мазкур ғоят муҳим қўлланма кенг жамоатчилик эътиборидан ҳақсиз равишда четда қолиб кетди. Охирги бир-икки йил ичида ҳам ҳеч қандай силжиш бўлмади. 1993 йил эълон қилинган ўрта мактаблар адабиёт дастури бўйича нашр этилган дарсликлар ҳам мукаммалликдан ҳоли. Уларда Навоий, Бобур ва бошқа "маликул калом"лар ижодига соатлар кам ажратилган.

Биз ушбу мақоламизда аруз ҳамда рубоийларнинг вазн қурилиши хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Хўш, мумтоз шеъриятимизнинг мезоний асоси ҳисобланмиш аруз қандай вазн? Бу вазн ҳижо (бўғин)ларнинг чўзиқ-қисқалигига асосланган. Арузни чуқурроқ сингдирмоқ учун, унинг қуйидаги хусусиятлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш керак.

1. Чўзиқ-қисқа ҳижолар.

Очиқ бўғинлар қисқа (v), ёпиқ бўғинлар чўзиқ (-) ҳижо ҳисобланади. Масалан, мактабим сўзининг биринчи бўғини чўзиқ, иккинчи бўғини қисқа, учинчи бўғини чўзиқ ҳижодир **(мак - та - бим).**

- v -

2. Рукнлар.

Чўзиқ-қисқа ҳижолар бирикувидан рукн (устун)лар ҳосил бўлади. Аслида, шеърдаги байт (уй)лар ана шу рукн (устун)лардан иборатдир. Арузда саккизта рукн мавжуд. Булар фоилотун, фоилун, фаулун, мафоийлун, мустафъилун, мутафоилун, мафъулоту, мафоилатун. Уларнинг ҳижо таркиби қуйидагича:

1) фоилун — фо - и - лун
- v -
2) фаулун — фа - у - лун
v - -
3) мафоийлун — ма - фо - ий - лун
v - - -
4) фоилотун — фо - и - ло - тун
- v - -
5) мустафъилун — мус - тафъ - и - лун
- - v -
6) мафоилатун — ма - фо - и - ла - тун
v - v - -
7) мутафоилун — му - та - фо - и - лун
v v - v -
8) мафъулоту — мафъ - у - ло - ту
- - - v

3. Баҳрлар

Рукнлар такрори ва тармоқланишидан баҳрлар вужудга келади. Баҳрлар иккига бўлинади: аслий ва фаръий баҳрлар. Бир рукннинг айнан такроридан ҳосил бўлган баҳрлар аслий баҳрлардир. Икки ёки ундан ортиқ рукнлар такрори ёки тармоқланишидан фаръий баҳрлар ҳосил бўлади.

Алишер Навоий "Мезонул авзон" асарида 19 та баҳрни кўрсатади, шохчалари (зиҳоф) билан юздан ортади, деб таъкидлайди. Бобурнинг "Мухтасар" ("Рисолаи аруз") асарида эса 21 та баҳр ҳақида маълумот берилган. Бобур қўшимча яна иккита (ақийқ ва амийқ) баҳрни ўлчовга солган.

Арузнинг юқоридаги хусусиятларини татбиқ этиб, қуйидаги байтнинг қандай вазнда ёзилганини аниқлайлик:

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик, келинглар, жўралар, ўртоғлар.

Аввало, байтни ҳижоларга ажратиб чиқамиз. Сўнг бу ҳижоларни гуруҳ (тақтиъ)ларга бўламиз ва уларнинг рукнларини белгилаб чиқамиз:

Нав - ба - ҳо - ро / чил - ди - гул - лар / саб - за - бўл - ди / бо - ғ - лар,
- v - - v - - v - - v - - v -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
Суҳ - ба - тай - лай / лик - ке - линг - лар / жў - ра - лар - ўр / то - ғ - лар.
- v - - v - - v - - v -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Энди баҳрни аниқлайлик. Фоилотун рукнидан рамал баҳри ҳосил бўлади. Байтда рукнлар сони 8 та эканлигини ҳисобга олиб, бу байт арузнинг рамали мусаммани маҳзуф баҳрида битилган, деган хулосага келамиз.

Биз ушбу мақоламизда рубоий жанрининг вазн қурилиши тўғрисида тўхталиб ўтишни ният қилганмиз. Рубоий Шарқ шеъриятининг етакчи жанрларидан ҳисобланади. Унда Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг руҳий олами мужассамлашган. Шу боис, рубоийни шеъриятнинг "воҳид қуёш" ("шамсул воҳид") деб аташган.

Рубоийнинг вазн қурилиши жуда мураккаб. У арузнинг ҳазаж баҳрида ёзилади. Ҳазаж рукнларининг тармоқланишига қараб, рубоийлар ахраб ва ахрам дея аталувчи икки гуруҳга ажралади. Рубоийнинг 1-, 2-, 4-мисралари бир хил, 3-мисра бошқа хил вазнда ёки тўртала мисра бир хил ёхуд ҳар хил вазнларда битилади. Вазн аниқланишида, аввал, баҳр номи (ҳазаж), кейин рукнлар сони (мусамман), сўнгра зиҳоф номлари — мақбуз, мақфуф, солим, абтар, ажабб кабилар тартиб билан ёзилади.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоийлари мисолида бу жанрнинг вазн қурилишини ўрганайлик.

Навоий "Ғурбатда ғариб..." рубоийси:

Ғур - бат - да / ға - ри - б - шо / д - мон - бўл - ма / се - миш,
- - v v - v - v - - v v -
мафъулу мафоилун мафоийлу фаал
Эл - ан - га / ша - фи - қу - меҳ / ри - бон - бўл - ма / се - миш,
- - v v - v - v - - v v -
Ол - тун - қа / фа - сич - ра - гар / қи - зил - гул - бут / са ,
- - v v - v - v - - v -
Бул - бул - ға / ти - кан - де - ко / ш - ён - бўл - ма / се - миш
- - v v - v - v - - v v -
ахраб мақбуз мақфуф ажабб

Рубоийнинг 1-, 2-, 4-мисралари ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи ажабб вазнида, 3-мисра ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнида битилган.

Навоий "Хуб ўлғил" рубоийси:

Хуб - эл - би / ла - суҳ - бат - ту / ту - бон - хуб - ўл / ғил
- - v v - - v v - - - -
мафъулу мафоийлу мафоийлун фаъ
Ях - ши - ни / та - лаб - қил - ғи / лу - мат - луб - ўл / ғил
- - v v - - v v - - - -
Ши - рин - сў / зи - ла - хал - қ / қа - мар - ғуб - ўл / ғил
- - v v - - v v - - - -

Юм - шоқ - де / ҳа - ди - синг - ни / ю - маҳ - буб - ўл / ғил
- - v v - - v v - - - -
ахраб мақфуф солим абтар

Ушбу манзуманинг тўртала мисраси бир хил, яъни ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи солими абтар вазнида ёзилган.

Бобур "Илм керак" рубоийси:

Ким - ё - ра / нга - ил - м - то / ли - би - ил - м / ке - рак,
- - v v - v - v - - v v -
мафъулу мафоилун мафоийлу фаал
Ўр - ган - га / ли - ил - м - то / ли - би - ил - м / ке - рак.
- - v v - v - v - - v v -
Мен - то - ли / би - ил - му - то / ли - би - ил - ме / йўқ,
- - v v - v - v - - - -
Мен - бо - р / ме - нил - м - то / ли - би - ил - м / ке -рак.
- - v v - v - v - - v v -
ахраб мақбуз мақфуф ажабб

Рубоийнинг 1-, 2-, 4-мисралари ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи ажабб, 3-мисра ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнида битилган.

Бобур "Ҳар кимки вафо қилса" рубоийси:

Ҳар - ким - ки / ва - фо - қил - са / ва - фо - топ - қу / си - дур,
- - v v - - v v - - v -
Ҳар - ким - ки / жа - фо - қил - са / жа - фо - топ - қу / си - дур.
- - v v - - v v - - v v -
Ях - ши - ки / ши - кўр - ма - гай / я - мон - лиқ - ҳар / гиз,
- - v v - - v - - - - -
Ҳар - ким - ки / я - мон - бўл - са / жа - зо - топ - қу / си - дур.
- - v v - - v v - - v v -

Рубоийнинг 1-, 2-, 4-мисралари ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи солими ажабб, 3-мисра ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнида иншо этилган.

Биз йил сайин ўз маданий меросимиз, миллий қадриятларимизга чуқурроқ кириб боряпмиз. Бинобарин, мумтоз шеъриятимизни-да тўлақонли ҳис этмоқ учун, унинг тузилиш қонуниятлари, аруз вазнини мукаммал ўзлаштирмоғимиз лозим. Шундагина ўз мақсадимизга эришамиз.

Муҳаммад ВАЛИ,
филология фанлари номзоди, доцент.

МАСЪУЛИЯТ

Навоий вилоятининг Нурота туманидаги 22-ўрта мактабда тарбиявий ишлар миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз асосида олиб борилмоқда. Мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Ўролбой Наҳаловнинг тадбиркорлиги, тажрибаси ва ташаббускорлиги жамоани бу муҳим ишга жиддий эътибор беришга даъват этмоқда.

— Ҳар бир синф раҳбари "Болалар тарбиясида мактаб", "Оила, жамоатчилик ва мактаб", "Синф раҳбарларининг бугунги вазифалари" каби мавзуларда мунтазам тадбирлар ташкил этиб боради, — деди Ў. Наҳалов. — Шу боисдан ҳам ўтган йили туманимизда бўлиб ўтган "Тарбияда энг яхши мактаб", кўрик-танловида мактабимиз жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, бу борада ҳар жиҳатдан бошқа илмгоҳлардан устун эканлигини кўрсатди.

Шунингдек, ота-оналар кенгаши, маҳалла қўмиталарининг вакиллари бу долзарб ишда яқиндан ёрдам бериб, мактаб билан доимий ҳамкорлик қилишмоқда. Таълим ва тарбияда алоҳида ўрнак кўрсатаётган ўқувчилар оталиқ ташкилоти ҳамда мактаб маъмурияти томонидан пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиб бормоқда.

Суратда: Ў. Наҳалов галдаги тадбир тадоригини кўраяпти.

ИҚТИСОД МАКТАБИ

"Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўлида Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилган ғоялар асосида иқтисодий билимларини такомиллаштириш" мавзусига бағишланган Тошкент шаҳридаги янги типдаги мактаб директорларининг шаҳар семинари Ҳамза туманидаги 166-мактаб-лицейида ўтказилди.

Семинарнинг бу масканда ўтиши бежиз эмас, албатта. Иқтисодий таълим соҳасида мактаб жамоаси катта тажрибага эга. У ердаги Ўзбекистон иқтисодиёти музейи иши таҳсинга сазовор. Лицейда асосан, физика, математика, чизмачилик, иқтисод фанлари чуқур ўргатилади. ТошДУнинг иқтисод, математика факультетлари билан илм маскани ўртасида шартнома имзоланган. Унга мувофиқ, университет муаллимлари таълим-тарбия жараёнида астойдил кўмаклашаяпти.

Лицей муаллимлари кўпчилиги олий, биринчи тоифали ўқитувчилар сирасига киради. Уларнинг билим даражалари анча юқори. Бу хусусият улар семинар-кенгаш давомида турли синфларда ўтказилган "Биз математика билан сенлашамиз", "Билмасвойнинг янги саргузаштлари", "Математика мамлакатига саёҳат", "Ҳандаса қурултойи", "Математика ҳам шеърият", "Ирроционал тенгламаларни ечиш", "Тригонометрия оламига саёҳат", "Иқтисоди масалаларини дастурлаш йўли билан ечиш" каби, синов, эртак, дарс-қурултой, мулоқот услубидаги машғулотлардан сезилиб турди. Қисқаси, мактаб-лицейнинг ўқувчиларга иқтисодий билим бериш соҳасидаги тажрибасини республика миқёсида оммалаштириш жоиз. Бу семинар-кенгаш иштирокчилари фикри.

Мухбиримиз.

Бозор ва ёшлар маънавияти

АХЛОҚ — ЖАМИЯТ КЎРКИ

Ўзбек халқи янги тарихий шароитга — бозор муносабатларига қадам қўйди. Бозор иқтисодиётига ўтиш бу — давр тақозоси, талаби, зарурияти. Энди орқага қайтиш ҳақида ўйлаш калтабинликдир. Бу иқтисодий турмуш тарзи тобора онгимизга, тафаккуримизга, маънавиятимизга сингиб бораяпти. Биз энди бошқача фикрлайдиган, мулоҳаза юритадиган бўлдик. Дарҳақиқат, Одам Атодан бошлаб, то шу кун дунёга келган гўдак онги ҳам мустақилликка, эркинликка, озодликка интилади. Миллий ғурур, ватанпарварлик туйғулари бугунги кунда бошқача жаранглмоқда, ўзлигимизга эга бўлиб, жаҳонга юз тутмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси бизни қувонтирмай қолмайди, албатта. Ҳамма ишларимиз жойидами? Маънавиятимиз, ахлоқимиз, юриш-туришимиз, одобимиз ҳозирги кун талабига жавоб берадими? Булар ҳақида чуқур ўйлаб кўришга тўғри келади.

Бизни қизиқтираётган, ўйлантираётган, ташвишга солаётган нарса бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги ахлоқий, маънавий, тарбиявий муаммолардир. Ижтимоий жараёндаги бундай муаммоларга зеҳн билан эътибор қилаётган ҳар бир киши ўз фикрини билдирмоғи ва хулосалар чиқармоғи лозим.

Яқинда шаҳар автобусида кетаётиб шундай суҳбатнинг шоҳиди бўлдик. Ёшлари анчага борган икки онахон ўзаро гаплашиб боришарди:

— Мени ташвишга солаётган нарса нарх-навонинг баландлиги эмас, худога шукур, тўйларимиз ҳам бинойидек ўтяпти, ҳеч ким оч, ялангоч қолмаяпти, юртимиз тинч, бозорга тушсангиз пулингизга ҳамма нарса топилади. Мени ташвишга солаётган нарса ёшлангларнинг бозорчига айланиб қолиши, пулга муккасидан кетиши, дейди улардан бири.

— Дарҳақиқат, бунда тарбия нима бўлади, биз ахир қаёққа қараб кетаяпмиз. Қани биздаги одамийлик, одоб, ҳаё, қизларимиздаги иффат, йигитлардаги ғурур, андиша.

Бу икки табаррук онахоннинг маънога тўла фикр-мулоҳазалари бизни ўйга толдирди. Дарвоқе, бозор иқтисодиётига ўтишни ҳамма ҳар хил талқин қилади.

— Бизнинг ҳам замонга мос кийингимиз, меҳмонхоналарга кириб дам олгимиз, дунёни кўргимиз келади. Бироқ давлат томонидан олган стипендия, ота-онамиздан олган ёрдам пулимиз овқатимиздан ортмаяпти. Шу туфайли баъзан ўқишни ўйламай, олди-сотди, чайқовчилик ишлари билан ҳам шуғулланишга тўғри келади, бунга истамаган ҳолда мажбур бўлаяпмиз, — дейди талаба ёшлардан бири.

— Бу вақтинчалик ҳодиса, жамиятимиз йўлга тушиб кетади, — дейди иккинчилари баланд руҳ билан.

— Ҳозир чайқовчи сўзи ўрнига коммерсант, бизнесмен, тижоратчи, савдогар иборалари қўлланилмоқда, - дейди учинчилари ишонч билан.

Биз онахонлар ва талабаларнинг мулоҳазаларини таҳлил қилиб кўрар эканмиз, кўнглимиздан қанча фикрлар ўтмади, дейсиз. Ахир, инсонни инсонийликка даъват этадиган нарса унинг маънавияти, ички дунёси, ахлоқи-ю, тарбия кўрган-кўрмаганлигида эмасми?! Ҳар қандай ижтимоий тузумда ҳам меҳнатсеварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, адолатпарварлик, виждонийлик, самимийлик каби ахлоқий фазилатларга эга бўлган улуғ инсонлар номи ҳанузгача тилимиздан, дилимиздан тушмай, тарих саҳифаларида ўчмас из қолдириб келаётганликлари ҳаммамизга аён-ку. Тўғри, ижтимоий-иқтисодий тузум инсон онгини, маънавиятини, тарбиясини шакллантиради. Оилада бошланган тарбия мактабда, меҳнат жамоаларида, маҳалла ва жамоат жойларида давом этилиб, инсон боласи шахс бўлиб шаклланиб боради. Инсон онги, иродаси, маънавияти қанчалик юксак бўлса, у муайян иқтисодий шароитга ҳам таъсир этмай қолмайди. Ана шу нуқтаи назардан олиб қарасак, бозор иқтисоди шароити бизнинг ҳар биримизни — каттакичикни, турли касб эгаларини синовдан ўтказмоқда, имтиҳон қилмоқда.

Жамият бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш шароитида яшар экан, бунда ҳам ўзига хос қонун-қоидалар, тартиб-интизом борлигига ҳеч ким шубҳа билан қарамаса керак. Харидор ва сотувчи, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи, таъминотчи ва ишлаб чиқарувчи, раҳбар ва ходим, бошқарувчи ва ижрочи ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзаро манфаатдорлик, тўғрилик каби умуминсоний сифатларга таяниб, адолат тарозуси билан ўлчангандагина ҳақиқий бозор иқтисодиёти юзага келиши шубҳасиз. Шундай экан, турмушимизда юз бераётган улкан ўзгаришларга зийраклик билан назар ташлаб яхши ва ёмонни, ҳалол ва ҳаромни ўлчайдиган меъёр ҳақида бош қотириб, баҳо беришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Тижорат юмушларига катта йўл очиб берган бозор иқтисодиёти шароити ва бу иш билан шуғулланувчи кенг фуқаролар оммаси ахлоқий-маънавий қадриятлар моҳиятини англаб, фаолиятларига дастур деб ҳисобласалар эди, жамиятимиз ҳам, ўзлари ҳам равнақ топиб борган бўлур эди. Акс ҳолда, биз таназзулга юз тутамиз. Мақсадимиз келажак авлодга соғлом жамият бунёд этиб, мерос қолдириш экан, ота-боболаримизнинг бой маънавий-ахлоқий мероси бизга асосий мезон бўлиши керак.

Кайковуснинг XI асрда яратилган "Қобуснома"сида ота ўз фарзандига мурожаат қилар экан, жумладан, тижорат ва бозоргонлик расми ҳақида "Эй фарзанд, ҳар ҳолда тижорат ва бозоргонлик пеша ҳисобида эрмасдур, аммо уни яхши санъат деса бўлур, чунки ҳақиқатда унга назар қилсанг, унинг расм-русуми ҳудди пешаварларнинг (яъни ҳунармандларнинг — Б. А.) расм-русумига ўхшашдир. Улуғлар дебдурларки, бозоргонлик ақлсизлик асосига, фойда топмоқ тартиби ақл асосига қурилмиш, бу — агар жоҳиллар бўлмаса эрди, жаҳон вайрон бўлур эди, деган гапдур. Бу сўздан мақсад улдурки, ҳар киши молини зиёда қилмоқ тамаъсида бўлса, бир танга учун мағрибдан машриққа борур, ўзни токка, дарёга урур, жонин, танин ва молин мухотарага (яъни қўрқинчлик, хатарли — таъкид бизники) солар...", деб ёзади.

Кайковуснинг бу фикрларидан тижоратнинг, бозор иқтисодиётининг мураккаб йўлларини ҳис этиш мумкин. Тижоратчилик бир томондан санъат бўлса, иккинчи томондан уларсиз жаҳон вайрон бўлиши таъкидланяпти. Шундай экан, бу санъатни ўрганмоқ, англамоқ ва амалда қўлламоқ зарур.

Собир Сайхон — Туркияда яшовчи юртдошимиз. Кўп йиллардан бери тижорат ишлари билан шуғулланиб, тажрибада шу қарорга келганки, мусулмон тижоратчиси бениҳоя ҳалол, покиза, бировнинг ҳақига хиёнат қилмайдиган бўлмоғи керак. У "Тижорат ва бир луқма ҳалол ош" (Тошкент, 1992) деган кичкина рисолада шу фикрларини баён этади: "Дунё бозори кишини охират бозоридан адаштирмаслиги керак", "Тижорат бошлаган киши яхши ва тўғри ният билан мустаҳкам эътиқодга эга бўлиши керак", "Тижорат билан шуғулланмоқ бир қисм ватандошлар учун вазифадир, чунки жамиятнинг бунга эҳтиёжи бор, аммо бу ишнинг натижа бериши ва жамиятга фойдали бўлиши машру йўллардан юришга боғлиқ. Ғайри машру йўллар фойда ерига зарар келтиради", "Ҳирсдан қочиш керак, чунки ҳирс ёмон бир одат", "Тотув ва ўлчов ишларида диққат қилиш диний амрлардандир; ҳийлакорлик қилиб, кишилар ҳақига тажовуз қилганлар қанча тавба қилсалар-да, фойдасиздир".

Ҳадиси шарифда ҳам тижоратга, ахлоқий-маънавий қадриятларга доир ҳикматларни кўплаб учратамиз: "Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир", "Сизлар одамларни молу дунёларингиз билан мамнун қила олмайсизлар, балки очиқ ва яхши хулқларингиз билан миннатдор қилишларингиз мумкин".

Бозор иқтисодиёти шароитида яшаб, меҳнат қилиб, фарзанд тарбиялаб, орзу-умидларни рўёбга чиқармоқдамиз. Бу — ҳаёт ҳақиқати. Лекин бу ҳақиқат ҳалоллик билан амалга ошмоғи керак. Тўғри, бу айтишга осон. Тилдаги нарса дилга жо бўлиши, маънавиятга, эътиқодга айланиши мушкул. Бироқ истак, хоҳиш бўлса қор ҳам ёнади, сўқир кўздан ёш ҳам чиқади. Бунинг учун қаловини топмоқ даркор. Бани башарнинг бу қўҳна очундаги мавқеи қилган ишларию кашфиётлари билан эмас, балки қалбдаги одамийлигу инсонийлик билан белгиланади. Ана шунинг ўзи катта кашфиёт, санъат, ноёб хислат, истеъдоддир. Бундай истеъдод ҳаммада мисқолча бўлса ҳам бор. Бу табиат мўъжизаси она сути, она алласи билан жисмимизга кириб, руҳимизда мужассам. Инсоф боласидаги бу покликни, софликни оила, жамият асраб, авайлаб сақлаб, уни камол топтириши, тараққий эттириши керак. Шунингдек, келажагимиз бўлган болалар, ёшлар ҳам фаол бўлиб, ўзларидаги ғайрат-шижоатни масъулият ҳисси билан, ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуси билан юксалтирсалар, бозор иқтисодиёти муаммолари ўз ечимини топиб, мустақил ва демократик йўлдан бораётган Ўзбекистонимиз тараққий этган жаҳон мамлакатлари қаторидан ўрин олиши тезлашган бўлур эди.

Бекдавлат АЛИЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор.

Спорт

СТАДИОН ЧОРЛАЙДИ

Болалар оёққа турмасданоқ коптокка талпинади. Уйда, ҳовлида тўп кетидан югуриш кичкинтойларга бир олам завқ бағишлашини ҳар бир ота-она яхши билади.

Болаларнинг кўча ва майдонларда, тураржойларда футбол ўйнашлари учун имконият чекланган. Шунинг учун олийҳиммат корхона ва хўжаликларда стадионлар болалар ихтиёрига бериб қўйилган. Тошкент асбобсозлик заводида бир қатор спорт секциялари қатори футбол секцияси ишлаб турибди. Болалар бу ерда тажрибали мураббийлар ёрдамида ўқув машқлари, мактаблар ўртасида ўртоқлик учрашувлари ўтказиб туришади. А. Мамадаминов тасвирга туширган ушбу суратда стадионда футбол учрашувидан лавҳа акс эттирилган.

Соғлом авлод учун

Талъат УСМОНХЎЖАЕВ

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР

"КИМ ЧАҚҚОН"

Болалар қўлларини ушлаган ҳолда бир неча айланаларга сафланадилар. Ҳар бир айланада 8—10 ўйинчи бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз жойида чўкка тушиб ўтиради. Айлана ўртасида битта онабоши сайланади ва айлананинг ўртасига (тик турган ҳолда) жойлашади. Ўйинчилар онабошига сездирмасдан ва овоз чиқармасдан, фақат имо-ишора орқали бир-бирлари билан ўз ўринларини алмаштиришга ҳаракат қиладилар. Онабошининг вазифаси ўйинчилар ўз ўринларини алмаштираётган вақтда бўш қолган жойни тезлик билан эгаллаб олиб, ўша жойда чўкка тушиб ўтиришдир. Агар онабоши мўлжалланган жойни эгаллаб олса, жойсиз қолган ўйинчи онабоши бўлиб қолади, жойни эгаллаб олмаса, ўз ўрнида қолаверади. Ўйин давом этади, унинг вақти 5-6 минут, тугатилгандан сўнг, энг чаққон ўйинчиларни рағбатлантириш лозим.

Ушбу ўйин барча синфларга тавсия қилинади.

"ЧЎПОН" ЁКИ "ПОДАЧИ"

(Бу ўйинда 3—4 ва юқори синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин).

Бу ўйин учун тўрт қадам кенгликда доира чизилади. Агар ўйин спорт залида ташкил этилса, шу кенгликда доира оҳак билан белгиланади. Доира ичида 3 та ўйинчи қўлида чим ҳоккейи таёғига ўхшаш таёқ билан туради. Доира ташқарисида ҳам 3 ҳужумчи жойлашади. Доиранинг ўртасида ёғочдан ясалган бешта мўлжал — нишон тайёрланади (толдан кесилган юмалоқ ёғоч бўйига — 6 см) ва доиранинг марказига тиккасига қўйилади, уларнинг ораси 10—15 см бўлиб, айлана шаклида териб қўйилади. Ўйин доира ташқарисидан 1 метр узоқликдан ҳужумчилар томонидан кичик тўпни (тўп ҳам ёғоч ёки теридан тикилган теннис тўпидан каттароқ) бир-бирисига тез ошириб қулай фурсатни топиб, доира ичидаги ҳимоячиларни чалғитиб, ўртага тикланган нишонларни бирин-кетин уриб йиқитишга киришади.

Қоидалари: қисқа фурсатда доирадаги нишонларни уриб чиқарган команда ғолиб деб ҳисобланади ва ўйинчилар жой алмашадилар. Ҳимоядаги ўйинчиларнинг таёғи ҳужумчиларга тегиб кетса, ҳамда ҳимоячи доирадан ташқари чиқиб кетса, жарима белгиланади. Доира четидаги чизиққа копток қўйилиб, ўртадаги нишонни бир марта уришга рухсат берилади.

"ОТИБ ҚОЧАР"

(Бу ўйинни қизлар севиб ўйнайдилар. Шуни ҳисобга олиб 5—11 синф қизларига дарс ва дарсдан ташқари пайтларда тавсия қилинади. Ўғил болалар ўзларн ёки биргаликда ўтказишлари мумкин).

Ўйинни спорт майдонида ёки залда ўтказиш мумкин. Ўйинни бошлаш олдидан тўпни отиш жойи белгиланади — чизилади. Тўпни отиш чизиғидан 25—30 метр узоқликда марра белгиланади. Икки команда иштирокчилари отиш жойда қолиш учун қуръа ташлайдилар. Отиш жойида қолган ўйинчиларга қарши команда майдонга чиқиб жойлашади, улардан бир ўйинчи копток ташлаб беради. Отиш жойидан ўйинчи коптокни узоққа уриши лозим, агар копток узоққа кетса, тезда югуриб чиқиб маррага бориб, жойига қараб келиши керак. Копток узоққа кетмаса, ўйинчи доира-уй ичига кириб, дам олиб туради. Ҳимоячилар урилган коптокни тепадан ёки ердан илиб олса, маррага югурган ўйинчини уради, копток тегса, ҳимоячилар отиш чизиғига югурадилар. Копток теккан ўйинчи дарҳол коптокни тутиб олиб, ҳимоячилардан бирига отади. Бу ҳолда улар ҳам отиш чизиғига югурадилар, яъни яна жой алмашадилар. Шундай қилиб, ўйинчилар қайси бир командада бўлмасин, кетма-кет коптокни тегдирмасдан ўйинни муваффақиятли тугатса, ўша команда ғолиб чиқади.

Қоидалар: коптокни майдонга тўғри ташлаш талаб этилади. Ўйинда имконият борича теннис коптогини ишлатиш лозим, агар бўлмаса резина ёки матодан қилинган копток ишлатилади.

"ҚУЛОҚ ЧЎЗМА"

(Бу ўйин 5—9 синфлар учун мўлжалланган бўлиб, ўғил ва қиз болаларга тавсия этилади).

Бу ўйин спорт зали ёки майдонида ўтказилиши мумкин. Бошланишдан олдин дастрўмолчага бироита теннис коптогидан каттароқ — ошиқ, тош ва ҳоказо нарсани тугиб, уни майдонга улоқтиришдан олдин ўйновчиларга аталган соврин эълон қилинади.

Бошловчи майдон ёки залнинг бир чеккасида сафланиб турган ўйинчиларга тугунчани кўрсатиб улоқтиради. Ўйин иштирокчилари отилган нарсани қандай бўлмасин, бошловчининг қўлига ўз қўли билан олиб келиб бериши шарт. Ўйин қатнашчилари нарсани олиб келаётган ўйинчидан тортиб олишга ҳаракат қилади.

Бошқа газетамизнинг ўтган сонларида.

ОММАВИЙЛИК — БОШ МЕЗОН

Соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг беқиёс аҳамиятга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам мактаблар, ҳунар-техника ҳамда педагогика ўқув юртларида бу масалага эътибор кучайтирилмоқда.

Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасида бўлиб ўтган умумий таълим мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ҳунар-техника ва педагогика ўқув юртлари спорт фаоллари йиғилишида оммавий спорт ва соғломлаштириш ишларининг аҳволи ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантиришга доир қарори юзасидан Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруғини бажариш борасида амалга оширилаётган вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда халқ таълими бўлимлари раҳбарлари, спорт мактаблари директорлари, мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари қатнашдилар.

Жиззах вилояти "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти раисининг муовини С. Турсунматов ҳар иккала масала юзасидан маъруза қилди.

Музокарада сўзга чиққан Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг муовини З. Сатторов, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия бўлимининг бошлиғи Р. Саломов, Жиззах шаҳридаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби илмий мудири Р. Содиқов, жиззахлик ўқитувчи А. Ҳамидов ва бошқа нотиқлар жисмоний тарбия ҳамда спортни кенг оммалаштириш, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари жамоалари олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритдилар.

***

Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган умумтаълим мактаблари ва ўқув юртлари спорт фаоллари йиғилишида ҳам юқоридаги масалалар муҳокама қилиниб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, жумладан, футболни кенг оммалаштиришга, спорт мактаблари қошида футбол бўлимлари очишга эътиборни қаратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Сирдарё вилояти "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти раисининг муовини И. Холиқулов йиғилишда маъруза қилди.

Мухбиримиз.

"БОБОМ РУҲИНИ ШОД ЭТГУМ МУДОМ"

Акмал Икромов туманидаги Тўлқин Жалолов номидаги 245-мактабда бўлиб ўтган адабий-бадиий кеча ана шундай деб аталди. Ғазал мулкининг султони, Ҳазрат Навоий таваллуди инг 554 йиллигига бағишланган тантанали кечада ўқувчилар бобокалон шоиримизнинг дилбар ғазалларидан ўқишди, унинг ўлмас достонлари асосида тайёрланган саҳна асарларидан парчалар ижро этишди.

Адабий кечани ташкил этишда М. Абдуллаева, Н. Фазлиллаева, М. Толипова, А. Содиқҳўжаева, А. Камолов, Х. Файзиев сингари ўқувчилар, айниқса, фаоллик кўрсатиб, йиғилганлар қалбида шоир меросига янада ҳурмат-эҳтиром уйғотишди, руҳини шод этишди.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВА.

Кўрик-танлов давом этади

"Истиқлол: Янги давр, янги қаҳрамон"

Илгари матбуотда хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси мустақиллигимизга бағишланган энг яхши асарлар учун "Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон" деб номланган кўрик-танлов эълон қилган эди. Кўрик-танлов эълон қилингандан бери кўплаб ижодкорлар ўз асарларини унинг ҳайъатига тавсия қилдилар. Айни пайтда кўрик-танлов учун асарларни қабул қилиш ҳамон давом этмоқда. Қуйида унинг талаб ва шартларини эслатиб ўтамиз:

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ўзбек адабиёти намоёндаларини қўллаб-қувватлаш, миллий тафаккур, истиқлол, мустақиллик ғояларининг бадиий адабиётдаги тўлақонли талқинларини яратиш йўлидаги изланишлари, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, буюк давлатчилик тамойиллари акс этган асарларни танлаб олиш ва бундай асарларни рағбатлантириш мақсадида "Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон" йиллик кўрик-танловини эълон қилди.

Кўрик-танловда таниқли адиблар, шоирлар, шунингдек, истеъдодли ёшлар ўз янги асарлари билан қатнашишлари кўзда тутилади. Кўрик-танловда мавзу, шакл ранг-баранглиги, бадиий истеъдоднинг янги-янги жилолари, ижодий жасорат, юксак бадиият-ижодкор халқимиз даҳоси акс этган асарлар муносиб баҳоланади.

Тақдим этилган асарларни танлаш, муҳокама этиш, ғолиб асарларни белгилаш кўрик-танлов ҳайъати зиммасида бўлади. Ғолиб асарларнинг муаллифлари қуйидагича пул мукофотлари билан тақдирланадилар:

Роман ва қиссалар учун — 10 минг сўм.

Йирик шеърий асарлар учун — 10 минг сўм.

Шеърлар, таржима асарлари учун — 5 минг сўм.

Ҳикоялар, бадиий публицистика учун — 5 минг сўм.

Кўрик-танлов ҳайъати танлов ғолибларини ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида эълон қилади. Ғолиб асарлар бир йил ичида нашр этилади.

Муаллифлар насрий асарларини Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётига, шеърий таржима асарларини "Ёзувчи" нашриётига, бадиий-публицистик асарларини "Ўзбекистон" нашриётига, адабий-тарихий меросимизга онд янги топилма ва тадқиқотларни А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриётига 1995 йилнинг 1 июнига қадар машинкаланган ҳолда 2 нусхада топшириши керак.

(700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй)

Мусиқа таълими

Шавкат СУБҲОНОВ:

"ЯНГИ ДАСТУРДАН УМИДИМИЗ КАТТА"

Мамлакатимизда маданият ходимларини тайёрлаш ва истеъдод эгаларини кашф этишда мусиқа мактабларининг, махсус санъат билим юртларининг, ихтисослаштирилган лицейларнинг ўрни беқиёс. Бугунги кунда республикамизда 319 та мусиқа мактаби фаолият кўрсатаяпти. Бу билан даргоҳларида 78 минг 339 нафар ёш санъат ихлосмандлари ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Таълимнинг бу соҳасидаги ўқувтарбия ишларини такомиллаштиришдаги янгиликлар нималардан иборат? Янги ўқув дастури ва режасининг асосий мақсад ва вазифалари қандай? Республика Маданият ишлари вазирлиги истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот маркази директори ўринбосари Шавкат Субҳонов билан бўлган мусоҳабада айнан шу хусусда гап кетди.

— Ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини мусиқа маълумотисиз тасаввур этиш қийин. Бундай маълумотни ёшларга берувчи, уларни санъат оламига етакловчи, эстетик тарбиясини шакллантирувчи асосий босқич бу — болалар мусиқа, санъат мактабларидир. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон мусиқа мактаблари фаолиятида туб ўзгаришлар юзага келди. Айни кунларда амалиётга жорий қилинаётган дастурда республикамизда мусиқа мактаблари тўғрисидаги Низомга асосан, талабаларга умумий мусиқа маълумоти берилади. Шу билан бирга талабаларнинг эстетик дидларини такомиллаштиришга асосланган кенг қамровли ўқув режалари ҳам ишлаб чиқилган. Уларда мусиқа мактабларида анъанавий ижро услубидан сабоқ беришга алоҳида аҳамият берилганлиги эътиборга моликдир.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, республикамиз вилоятларидаги мусиқа, санъат мактабларида жонкуяр, фидойи, ижодкор ўқитувчиларимиз, тадбиркор мактаб раҳбарлари ўқув жараёнида миллий-мусиқий санъатимиз турларини ривожланишига, таълим жараёнини янада яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу ўринда Хива шаҳридаги А. Отажонов номидаги, Қорақалпоғистон Республикаси Мангит шаҳридаги мусиқа билим юртини, Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳридаги, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги, Бухоро вилоятининг Қоракўл, Фарғона вилоятининг Бувайда туманларидаги мусиқа ва санъат мактабларини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Бу билим масканларида янги дастур ва ўқув режаларини жорий этишда ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмоқда.

Янги дастур хусусиятлари ҳақида гап кетаркан, аввало, ўзбек мусиқа адабиёти фани учун қўшимча соатлар берилганлигини таъкидлаш жоиздир. Бунга хорижий давлатлар, мусиқа адабиёти соатларини қисқартириш йўли билан эришилди. Шу билан бирга битирувчи синфлар учун махсус мутахассислик, сольфеджио дарслари кўпайтирилди. Қолган дарс соатларига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Янги дастурни тузишда асосан республикамиздаги кўзга кўринган мутахассислар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, катта тажрибага эга бўлган санъат мактаблари ўқитувчилари иштирок этдилар.

Дастурга анъанавий ижрочилик бўлими синов-тажриба сифатида киритилди. Анъанавий ижрочилик миллий санъатимизда азалдан мавжуд бўлиб, у собиқ тузум даврида йўқолиб кетиш ҳолигача бориб етганди. Янги дастурда у ҳақда атрофлича маълумот берилади. Анъанавий ижрочиликнинг турли-туман кўринишлари ҳозирда мутахассисларимиз томонидан ўрганиляпти ва улар ҳақида, албатта, бўлғуси санъаткорларимизга етарлича маълумот берилади. Унда бошланғич мусиқа мактаблари маълумоти берадиган болалар мусиқа мактаби, ўрта махсус билим юртлари узвий боғлиқликлари ўқиш жараёнини бошланғич таълимдан бошлаш ва уста-шогирдчилик анъаналарини тиклаш назарда тутилган. Шунингдек, тасвирий санъат ва хореография бўлимларига ўқувчиларни қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш, қўшимчалар киритилган. Бундан ташқари, ўз харажатларини ўзи қоплайдиган тайёрлов гуруҳлари ҳам ташкил этиш кўзда тутилган.

Шуни таъкидлаш керакки, янги дастур таклифлар асосида яна тўлдирилиши мумкин. Ўйлаймизки, мутахассислар бу ишга ижодий ёндашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади.

Мусиқа мактаблари дастури яхшилаб ўрганилиб чиқилса, унда жамоа ижрочилиги машғулотларига ажратилган соатлар ва ундаги ижрочилик турлари билан танишиш мумкин. Бундан ташқари, (режаларда кўрсатилган ўқитиш соатларидан ташқари) йиғма хор, оркестрлар, ашулачилар ансамбллари учун дарс соатлари ҳам берилган. Бу билан айтмоқчиманки, хор, оркестр, симфоник оркестрларга эътибор камайгани йўқ. Аммо, унинг ижроси қай йўналишда, шунга эътибор бериш керак. Чунки, юқорида кўрсатилган ижрочилик жамоалари миллий асарларимизни қойилмақом қилиб ижро этишса, бунинг нимаси ёмон. Телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг болалар "Булбулча" хор жамоаси ёки республика миллий симфоник оркестрини бу борада намуна тариқасида айтиш мумкин. Агарда, ўзбек композиторлари миллий руҳда суғорилган халқчил куй ва қўшиқларни яратишса ва уни юқорида кўрсатилган жамоалар ижро этишса...

Ижодга бир томонлама ёндашиб бўлмайди. Жаҳон миқёсида ўз нуфузини топаётган ўзбек халқининг маданияти ва маънавияти санъатига ҳам шу даражада кенг қамровли, ҳар томонлама ёндашишимиз керак. Шу маънода жаҳон мусиқа дурдоналаридан баҳраманд бўла туриб, ўз миллий мусиқа санъатимизни ривожлантирмоғимиз керак.

Янги ўқув дастурини мумкин қадар тезроқ амалга татбиқ этиш турли семинарлар, кенгашлар ўтказилиши, ўқув қўлланмалари яратилиши ва яна бир қатор омиллар билан боғлиқдир. Шу боис, ўқув қўлланмалари, рисолалар нашри тарғиботига эътиборни қаратмоқдамиз. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида шу соҳа муаммоларига бағишланган семинар-кенгаш ҳам ўтказилди. Ўқув режаларида кўрсатилган янги фанлар учун дастур, ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлиги семинар қатнашчилари томонидан таъкидлаб ўтилди. Ҳозиргача И. Ражабовнинг "Мақом асослари", Р. Қосимовнинг "Ўзбек мусиқа меросини амалий ўрганиш бўйича" дастурлари, М. Жумаевнинг "Дутор наволари" ўқув қўлланмаси, М. Матёқубовнинг "Қўшнай мутахассислиги" бўйича дастури нашрдан чиқарилди.

Улуғбек ЖУМАЕВ ва
Ўлжабой ҚАРШИЕВ
ёзиб олди.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Ўқувчилар техник ижодиёти маркази "Тонг юлдузи" рўзномаси билан биргаликда болалар учун ўзбек миллий-техник энциклопедик-луғатни тузиш учун дастлабки ишларни бошлаб юборди.

Шу муносабат билан болалар техник соҳасида фаолият кўрсатиб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган фахрийларимизни ва техник ижодиёт муассасаларининг педагог ходимларини, талабаларни, ўқувчиларни жалб этамиз.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700069, Қора Сарой кўчаси, 3. Бобохонов тор кўчаси 13-уй, 9-корпус. Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази.

Маълумот учун телефонлар: 48-33-65, 48-11-71, 48-52-69.

Тошкент вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтининг жамоаси ва касаба уюшмаси ташкилоти ўқув-услубий бўлим мудири Феруза Раҳимовага онаси

АЗИЗА ая

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоаси халқ таълимини бошқаришнинг илмий асослари кафедрасининг доценти Меликўзи Дадажоновга отаси

Дадажон АҲМЕДОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги С. Айний номидаги 84-ўрта мактаб жамоаси халқ маорифи аълочиси, методист ўқитувчи Малика Расуловага волидаи муҳтарамаси

Қумриниса РАСУЛОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Маърифат" газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ бўлим мудири Ашурали Аҳмедовга қизи

ГУЛЧЕҲРАнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Бошланғич таълим" журнали жамоаси журналнинг масъул котиби Ашурали Аҳмедовга қизи

ГУЛЧЕҲРА нинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир

Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбой Матқурбонов, Зубайда Усмонова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—0069. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6